

Theoretical and practical issues in implementing prosecutorial oversight of state protection for agricultural lands

Murodilla ABDUKHAKIMOV¹

Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received February 2025
Received in revised form
15 February 2025
Accepted 15 March 2025
Available online
25 April 2025

Keywords:

land, agricultural land,
illegal construction,
unauthorized seizure,
land theft,
business entity,
business ombudsman,
control measures,
information,
administrative liability.

ABSTRACT

This article examines the theoretical and practical issues of prosecutorial oversight of the protection of agricultural land in our country. It analyzes large-scale reforms aimed at safeguarding these lands and ensuring their rational use, as well as measures to prevent their unauthorized seizure and misappropriation.

In addition, the article reviews the experience of developed countries and the views of domestic and foreign scholars. On this basis, it formulates practical recommendations and conclusions aimed at preventing illegal construction and enhancing the effectiveness of agricultural land protection.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss2-pp262-271>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг давлат томонидан муҳофаза қилинишида прокурор назоратини амалга оширишнинг назарий ва амалий муаммолари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

ер,
қишлоқ хўжалигига
мўлжалланган ер,
ноқонуний қурилма,
ўзбошимчалик,
талон-торож қилиш,

Тадқиқотчи қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг давлат томонидан муҳофаза қилинишида прокурор назоратини амалга оширишнинг назарий ва амалий муаммолари мавзусидаги илмий-назарий ва амалий мақолада юртимизда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш ва улардан

¹ PhD, Senior Counselor of Justice, Prosecutor of Andijan Region, Independent Researcher, Law Enforcement Academy of the Republic of Uzbekistan.

тадбиркорлик субъекти,
бизнес омбудсман,
назорат тадбирлари,
хабардор этиш,
маъмурий жавобгарлик.

оқилона фойдаланишга қаратилган кенг кўламли
ислохотлар, уларнинг мазмун моҳияти, ерларни
ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳамда қишлоқ
хўжалигига мўлжалланган ерлар талон-торож
қилинишининг олдини олишнинг янги механизмлари
таҳлил этилган.

Шунингдек, ривожланган давлатлар тажрибаси,
миллий ва хорижий олимларнинг қарашлари асосида
қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ноқонуний
қурилишларни олдини олиш ва уларни муҳофазалашга оид
таклиф ва хулосалар ишлаб чиқилган.

Теоретические и практические проблемы осуществления прокурорского надзора за государственной охраной земель сельскохозяйственного назначения

Ключевые слова:

земля, земля
сельскохозяйственного
назначения,
незаконные постройки,
самовольное
захватывание,
хищение земли,
субъект
предпринимательства,
бизнес-омбудсмен,
контрольные меры,
информирование,
административная
ответственность.

АННОТАЦИЯ

В данной статье исследуются теоретические и
практические проблемы осуществления прокурорского
надзора за охраной земель сельскохозяйственного
назначения в нашей стране. Анализируются масштабные
реформы, направленные на защиту этих земель и их
рациональное использование, а также меры по
предотвращению самовольного их захвата и хищения.

Кроме того, рассматривается опыт развитых стран и
позиции отечественных и зарубежных учёных; на этой
основе формулируются практические предложения и
выводы по предотвращению незаконного строительства и
повышению эффективности охраны сельскохозяйственных
земель.

Мамлакатимизда аграр соҳани ҳар томонлама ривожлантиришга, қишлоқ
хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона
фойдаланишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022–2026 йилларга
мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги
Фармонида қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали
деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ
хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш, қишлоқ хўжалигида
давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш ва суғурталашнинг
янги механизмларини амалга ошириш, шунингдек тупроқ унумдорлигини
ошириш ва муҳофаза қилиш масалалари белгилаб ўтилган [1].

Ўрганилаётган масаланинг долзарблиги шундаки қишлоқ хўжалигига
ажратилган ерларнинг аҳволи ёмонлашиши ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий
муаммоларнинг бутун комплекс билан боғлиқдир, шунинг учун қишлоқ
хўжалигига ажратилган ерлардан тўғри фойдаланилишни таъминлаш учун
ваколатли давлат органлари ва мансabdор шахсларнинг ўзаро ҳамжихатликка
асосланган ёндашуви талаб этилади.

Мустақиллик йилларида соҳага оид қонунчиликнинг умумий структуравий камчиликлари сифатида, қишлоқ хўжалигига ажратилган ерлардан тўғри фойдаланилишини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий нормаларнинг тарқалган ва тизимсиз хусусияти, шунингдек, қишлоқ хўжалигига ажратилган ерларнинг аҳволини яхшилашга қаратилган асосий ғоялар ва стратегиялар йўқлиги, ерлардан тўғри фойдаланиш бўйича ҳуқуқий амалиётнинг бирхиллигини таъминлаш мақсадида, қишлоқ хўжалигига ажратилган ерларнинг тўғри фойдаланилишига оид норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш ва қишлоқ хўжалиги ерларининг тўғри фойдаланилишини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашни такомиллаштириш учун илмий асосланган стратегия ишлаб чиқиш зарур эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида қатъий ишонч билан “Ер муносабатлари бўйича катта ишларни бошлаб, шу йилнинг ўзида 100 минг гектар экин ерини аҳолига деҳқончилик қилиш учун бўлиб бердик. Бунинг ҳисобидан 1,5 миллион тонна қўшимча озиқ-овқат етиштирилди. Энг асосийси, қишлоқларда 400 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил қилинди, 1 миллион 200 мингдан зиёд одамларимиз банд бўлиб, даромад оляпти. Агар шу ислохотни қилмаганимизда, бозор ва дўконларимиз ҳозиргидек тўкин бўлармиди, экспорт шу даражага етармиди, жон бошига даромад ўсармиди? Шу боис, 2023 йилда ҳам сув таъминоти яхши бўлган 100 минг гектар қўшимча экин майдонларини аҳолига ажратамиз. Бунинг ҳисобидан қарийб 350 мингта янги деҳқон хўжалиги ташкил этилади. Агар жами 750 мингта янги деҳқон хўжалигини тадбиркорга, ер эгасига айлантира олсак, қишлоқда жуда кўп ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласи ечилади.” дея таъкидлаб бу борада амалга ошириладиган ишлар стратегиясининг келгусида амалга оширишга оид вазифаларини белгилаб берди [2].

Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудуди бўйича умумий ер майдони 44892,4 минг гектарни ташкил этмоқда. 2025 йилнинг 11 июнь ҳолатига Республикада фаолият юритаётган қишлоқ хўжалиги корхоналари ва бошқа ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг фойдаланишидаги ерлар 27148,5 минг гектарни, қишлоқ хўжалиги ерлари майдони 22116,1 минг гектарни, шундан суғоришга мўлжалланган ерлар 4322,1 минг гектарни ташкил қилади [3].

Ўзбекистон Республикасида мавжуд бўлган ер тоифалари орасидан қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун мўлжалланган ерларга ҳам ҳудуди, ҳам аҳамияти жиҳатидан катта устунлик берилган. 2025 йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар умумий ҳудуднинг 58.04 фоизини эгаллаган ва доимий фойдаланишда бўлиб келмоқда [4].

Хўжалик тоифалари бўйича таҳлиллар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг 69,1% деҳқон ва томорқа хўжаликларига, 25,5%и фермер хўжаликларига, 5,4%и қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларга тўғри келишини кўрсатмоқда [5].

Ҳудудларда ер қонунчилигига риоя қилмаслик, ер участкаларидан мақсадсиз фойдаланиш, жумладан ноқонуний қурилмалар қуриш, шунингдек, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар талон-торож қилинишининг олдини олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 февралда ПҚ–138-сон “Ер участкаларидан

фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Бош прокуратура таркибида Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокуратураларида Ер ресурслари талон-торож қилинишининг олдини олиш бўлимлари ҳамда ИИБ Тезкор-қидирув департаментида эса Ер ресурслари талон-торож қилинишига қарши курашиш бўлимлари ташкил этилди.

Амалдаги қонунчиликларда ҳам ер қонунчилигини бузганлик учун Жиноят, Фуқаролик, Меҳнат, “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекслардан ташқари Ўзбекистон Республикаси Ер кодекси, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам жавобгарликлар белгилаб ўтилган. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик белгиланганлигига қарамасдан амалиётда қонунбузарлик ҳолатлари ҳамон учраб турганлиги ачинарли ҳолат.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги фикрларни билдириб ўтишимиз мумкин:

Биринчидан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни бошқа тоифага ўтказишга қатъий чекловлар қўйиш;

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

Учинчидан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан оқилона фойдалаётган субъектларни иқтисодий рағбатлантириш;

Тўртинчидан, қишлоқ хўжалигига ажратилган ерларнинг ер тоифасига тегишли бўлмаган тарзда фойдаланишига олиб келган ҳолатларни рўйхатга олишни аниқ ҳуқуқий тартибини ишлаб чиқиш;

Бешинчидан, ердан ноқонуний фойдаланиш факти мавжудлиги ҳақидаги қарорни қабул қилиш учун объектив кўрсаткичларга асосланган, илмий жиҳатдан асосланган аниқ мезонларни норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамлаш;

Олтинчидан, ерлардан ер тоифасига тегишли бўлмаган тарзда ноқонуний фойдаланиши ҳолатларида ноқонуний сотиб юборлиган ерларни аниқлаш уларни қайтариш ва етказилган зарарни ундириш тартибини ишлаб чиқиш, маҳаллий давлат органларига бу ҳақидаги мажбуриятни юклаш;

Еттинчидан, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш қоида талабларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш.

Тадқиқотчи А.А. Соколова бу борада Россия Федерациясида мавжуд бўлган муаммога тўхталиб, амалдаги ер қонунчилигидаги асосий камчиликлардан бири, ердан оқилона фойдаланиш қоидаларининг йўқлиги ҳисобланади, бу қоидалар Россия Федерациясининг Гражданлик кодексининг 285-моддасига мувофиқ ер қонунчилигида белгиланиши керак эди. Муаллиф қишлоқ хўжалигига ажратилган ерларнинг тўғри фойдаланилишига оид умумий қоидаларни шакллантирган, яъни ер участкасини аниқ мақсадга мувофиқ ва рухсат этилган фойдаланиш турига қатъий риоя қилиб фойдаланиш, ер участкасидан ўз вақтида фойдаланишни бошлаш, унинг узоқ муддатлар давомида фойдаланилмаслигини олдини олиш, агро-техник, агро-химик, мелиоратив, фитосанитар, эрозияга қарши ва бошқа чора-тадбирларни, регионал хосликларга мувофиқ ишлаб чиқилган ҳолда

мунтазам амалга ошириш, ерларнинг илмий ва агро-химик ҳолатини назорат қилинишини чиқишини мунтазам текшириб бориш юзасидан ташкилий механизмларни белгилаш [6] зарурлигини таъкидлайди.

Яна бир тадқиқотчи В.А.Алиев ерга оид қонунчилик ижроси бўйича прокурорлик назорати ўзининг ўзига хос хусусиятларига эгаллигини, у комплекс кўринишда бўлиши керак, лекин шу билан бирга ҳар томонлама назорат объекти танлаб олиниши, аниқ мақсадли ва олдини олиш хусусиятига эга бўлиши лозим, шунингдек таҳлил ва прогнозлаш муҳим аҳамиятга эга, қонунни қўллаш амалиётини кузатиш, олдинги назорат-ўрганиш жараёнларининг салбий тажрибасини ҳисобга олиш, мавжуд камчилик ва қонунбузилиши ҳолатлари бўйича саволларни аниқлаштириш ўз вақтида қўйиш зарур. Ана шундай ҳолда давлат номидан амалга ошириладиган прокурорлик назорати тўғри ташкил этилади ва жамият ва давлат манфаатларини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин [7] деган қарашни илгари суради.

Э.Р.Исламова эса қишлоқ хўжалигига ажратилган ерларнинг тўғри фойдаланилишини таъминлашнинг бир усули, ер қонунчилигига мувофиқ, ердан белгиланмаган мақсадларда фойдаланганлик ҳолатларида қишлоқ хўжалигига ажратилган ерларни мажбурий равишда олиб қўйиш имкониятини назарда тутди. Бироқ, қонунчилик ҳужжатларида ерлардан ноқонуний фойдаланиш сабабли олиб қўйиш тартибини белгилайдиган қонун нормаларини қўллашдаги амалиётдаги муаммолар мавжудлигини, бу ҳолат қонун ва қонуности ҳужжатларидаги тафовудлар билан боғлиқлигини, энг муамолиси эса норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисидаги қонунчиликда белгиланган норматив ҳужжатларнинг иерархиясига кўра эмас субъектив ҳолатларга асосланишини таъкидлаб ўтади [8].

Агар бу борадаги Қозоғистон тажрибасини ўрганадиган бўлсак, 1992–2007 йиллар оралиғида ерга оид муносабатларда прокурор назоратининг ҳуқуқий ислохотлар натижасида чекланганлиги, 2007 йил 6 июлдаги “Қозоғистон Республикаси Ер кодексини ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун орқали маҳаллий ҳокимият органларининг ерларни тақсимлашдаги роли кучайтирилганлиги ва уларга умумий фойдаланишдаги ерлар (аллеялар, кўчалар, парклари)ни бошқариш ҳуқуқи берилганлиги натижасида аҳоли пунктларининг марказий ҳудудларида катта ер участкаларини эгаллашга қизиқган баъзи шахсларнинг манфаатларини ортишига ва лоббизмни кучайишига олиб келди [9].

2009 йил 17 июльдаги Қозоғистон Республикасининг № 187-IV-сонли Қонуни “Қозоғистон Республикасининг баъзи қонун ҳужжатларига тезкор-қидирув фаолиятига оид ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун билан Қозоғистон Республикасининг 1997 йил 13 декабрдаги № 206 Жиноят-процессуал кодексининг 191-моддасига қўшимчалар киритилди, унга кўра, эндиликда суриштирувни прокурорлар ҳам олиб бориши мумкинлиги белгиланди [10]. бўлган.

Шунингдек, прокуратурага ҳар қандай жиноят турлари бўйича тергов функциялари қайтарилиб, қисқа даврда прокурорлар томонидан 80 мингдан ортиқ ер қонунбузарликлари аниқланган, мингдан ортиқ мансабдор шахслар ва фуқаролар турли жавобгарликка тортилаган, давлат мулкига 300 минг гектардан ортиқ ер участкаси қайтарилган ва давлат бюджети 1 миллиард тенгеден ортиқ миқдорда толдирилган.

А.С. Джаксыбаевнинг таъкидлашича 2017 йил 30 июнда янги таҳрирда Қозоғистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, прокурорлик назоратини оптималлаштириш ва прокуратуранинг ваколатларини аниқ белгилаш, прокурор ва ваколатли давлат органларининг таъсир соҳаларини аниқ ажратиб берилиши юқоридаги муамоларни бартараф этишга хизмат қилди [11].

Бизнинг фикримизча ҳозирги вақтда аксарият давлатларда аграр соҳани тартибга солувчи қонунчиликда жиддий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Ана шу сабабли, прокурорлик назоратининг вазифаси қонун устуворлигининг ҳолатини таҳлил қилиш орқали устувор йўналишларни аниқлаш, назоратни самарадорлигини ошириш, фуқаролар ва давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилмоқда.

Сўнги уч йилда мамлакатимизда ер назорати соҳасида сезиларли истоҳотлар амалга оширилиб, қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилди.

Биргина мисол, яқин йилларгача соҳада Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат ресурслари Давлат қўмитаси ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси назорат фаолиятини амалга ошириб келган.

Бироқ, 2020 йилда Қўмита тугатилиб, унинг қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларни мониторинг қилиш, экинларни жойлаштириш ҳамда ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш, тупроқ бонитировкасини ўтказиш, ерларнинг меъёрий қийматини аниқлаш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга оширишга доир вазифалари ҳамда ваколатлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигига ўтказилган.

Бу билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги кадастр соҳасини қайта ташкил этиш жараёнида назорат идорасига айлантирилди.

Бироқ, 2022 йилгача мазкур йўналишда назорат тадбирларини амалга ошириш учун талаб этиладиган тартиблар, хаттоки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексга ҳам ўзгартириш киритилмасдан қолганлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг соҳада назорат фаолиятини амалга оширишда бир қатор қийинчиликларни туғдираётган эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 февралдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшича чора-тадбирлар тўғрисида”ги [12] ПҚ-5006-сонли Қарори билан мазкур соҳада Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Кадастр агентлигининг вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Мазкур Қарор асосида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 январдаги 22-сонли Қарори [13] қабул қилинди ва ушбу Қарор билан “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқланди.

Ушбу Низом қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонларида мониторинг ишларини, ерларни муҳофаза қилишда давлат назоратини амалга ошириш ҳамда ер тузиш тадбирларини ўтказиш тартибларини белгилаш мақсадида қабул қилинган.

Айтиб ўтиш лозимки, қуйидагилар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш мақсадида ўрганиш ишларини бошлаш учун асос бўлади:

– Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқлари ёки ушбу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Инспекциянинг буйруқлари;

- ўтказилган мониторингдан олинган маълумотлар (ҳисоботлар) таҳлили;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари;
- оммавий ахборот воситалари берган хабарлар, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган маълумотлар;
- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш юзасидан сўровлари.

Ўрганиш ишлари белгиланган тартибда давлат аттестациясидан ўтган ҳамда тегишли махсус гувоҳномага эга бўлган давлат инспекторлари томонидан уч иш куни ичида амалга оширилади [14].

Амалиётда Агроинспекция томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширишда ҳуқуқий нормалардаги ноаниқликлар (коллизия ҳолатлар) айрим муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 июндаги “Маъмурий ислохотлар доирасида қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-90-сонли Фармонинг 2-бандида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилишда давлат назоратини амалга ошириш бўйича штат бирликлари молиялаштиришнинг амалдаги тартибини сақлаб қолган ҳолда Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига ўтказилган ҳамда Вазирликнинг ушбу соҳадаги вазифа ва функциялари мазкур Инспекция томонидан амалга оширилиши белгилаб ўтилган.

Мазкур Фармоннинг 8-бандида эса Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясига тадбиркорлик субъектларининг мансабдор шахслари ёки бошқа ходимлари томонидан Инспекция ваколати доирасидаги қонунчилик талабларини бузиш ҳолатлари бўйича маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазоларни қўллаш ҳуқуқи берилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 ноябрдаги “Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-184-сонли Фармонининг 4-бандида тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ўтказиладиган барча текширувлар “Ягона давлат назорати” ахборот тизимида рўйхатга олиш орқали Бизнес-омбудсманни хабардор этиш тартибида амалга оширилиши белгиланган.

Ер кодексининг 83¹-моддасида эса, ер участкаларидан мақсадли фойдаланилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш ҳисобланмаслиги белгиланган.

Бироқ, амалиётда Ер кодексининг 83¹-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси 2024 йил 24 октябрдаги ПФ-164-Фармонида кўрсатиб ўтилган назорат органлари амалга оширган назорат тадбирлари (текширишлар) ҳудудий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил девони (бизнес омбудсман) томонидан ўрганиб чиқилиб, назорат тадбирларини гўёки текшириш деб ҳисоблаб, “хабардор этиш” тартибига риоя

қилинмаган деган тўхтамга келиниб, тадбиркорлик фаолиятини текшириш тартибини бузиш сифатида баҳоланиб, назорат тадбирларини амалга оширган ходимларни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳолатлари учрамоқда.

Шу муносабат билан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-184-сонли Фармони Ер кодексининг 83¹-моддасида назарда тутилган **назорат тадбирларига нисбатан татбиқ этилмаслиги ҳақида** (аниқ жумла қўшилган ҳолда) қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ўтган давр мобайнида, вилоят прокуратураси органлари томонидан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг давлат томонидан муҳофаза қилинишида прокурор назоратини амалга ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилган. Жумладан, Вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 августдаги “Чорвачиликда идентификация қилиш тизими ва наслчилик соҳасини такомиллаштиришга оид қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-285-сонли Қарори ҳамда соҳага доир бошқа қонун ҳужжатлари ижроси текширилган.

Текширишлар, мазкур йўналишда муайян ишлар амалга оширилганлиги билан бирга чорвачилик йўналишидаги айрим фермер хўжаликлари томонидан ажратилган ер майдонларидан чорва озукалари етиштирилмасдан, мақсадсиз фойдаланилаётганлигини, шартли чорва бош сони етарли эмаслигини, чорвачилик учун ажратилган ер майдонларида ноқонуний қурилишлар амалга оширилаётганлигини ва бу борада назорат идоралари ўз вазифасини лозим даражада бажармаётганлигини кўрсатди.

Хусусан, ўтган давр мобайнида вилоят аҳолисини арзон гўшт маҳсулотлари билан етарли миқдорда ва узлуксиз таъминлаш ҳамда чорвачилик йўналишини янада ривожлантириш ва озиқ – овқат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 674 та чорвачилик субъектларига 15.059 гектар ер майдони ажратиб берилган.

Статистик ҳисоботларда юқоридаги тадбиркорлик субъектлари томонидан 85,3 минг дона қорамол, 101,8 минг дона қўй – эчкилар боқилаётганлиги, шартли бош сонига ҳисоблаганда 75,5 минг дона чорва ҳайвонларига ўртача 0.19 гектардан ер майдони тўғри келиши ва вилоятда ер майдонлари чорва бош сонига нисбатан кам эканлиги кўрсатиб келинган.

Бироқ, вилоят прокуратураси томонидан ўтказилган текширишда статистик ҳисоботлар ҳаққоний юритилмаётганлиги, чорвачилик субъектлари томонидан ер майдонларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш ҳолатлари авж олганлиги маълум бўлди.

Аниқланишича, вилоятдаги 48 та чорвачиликка ихтисослашган хўжаликларда умуман чорва бош сонлари мавжуд эмас, уларга ажратилган 629,7 гектар ер майдонларидан тўлиғича мақсадсиз фойдаланиб келинган.

Шунингдек, ўрганиш давомида чорвачилик хўжаликлари томонидан ноқонуний равишда 253,7 гектар майдонда шоли, 95,9 гектар майдонда дуккакли экинлар ҳамда 166,4 гектар майдонда бошқа турдаги экинлар экилганлиги аниқланган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги

ПҚ-842-сонли Қарорининг 3-бандида чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ва бошқа хўжа-ликларга, шунингдек, паррандачилик корхоналарига ажратилган суғорма ерлар фақатгина ем – ҳашак экинлари экиш учун мўлжалланганлиги кўрсатилган.

Бундан ташқари, ўрганишда 344 та фермер хўжаликлари томонидан 3.076 гектар ер майдони чорва бош сонига нисбатан самарасиз фойдаланиб келинаётганлиги аниқланган [15].

Амалдаги қонунчиликда чорва хўжаликлари учун ер майдони ажратиб берилишида шартли бош сонига нисбатан аниқ чегара белгиланмаганлиги сабабли фойдаланувда бўлган ер майдонини аниқ ҳисоб – китоб қилишнинг амалда имкони йўқлиги, хўжаликлар томонидан ер майдонларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланишга имконият яратмоқда.

Шунга кўра, вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 46¹-моддасига ўзгартириш киритиш юзасидан таклиф ишлаб чиқилди.

Жумладан, Ер кодексининг 46¹-моддасининг 2 ва 3-бандларида фермер хўжалик-ларига ва бошқа юридик шахсларга ҳамда агросаноат кластерлари, шу жумладан кооперация шаклидаги кластерларга чорва озуқа экинларни етиштириш учун (*шартли бир бош қорамол учун*) суғориладиган ерлар-дан *камида* 0,3 гектар, лалмикор ерлардан – *камида* 1 гектар, яйловлар ва пичанзорлардан – *камида* 2 гектар ер майдони ажратилиши белгиланиб, ер майдонининг аниқ чегараси белгилаб қўйилмаган.

Амалдаги қонунчиликда чорва хўжаликлари учун ер майдони ажратиб берилишида шартли бош сонига нисбатан аниқ чегара белгиланмаганлиги, оқибатида фойдаланувда бўлган ер майдонини аниқ ҳисоб-китоб қилишнинг амалда имкони йўқлиги, хўжаликлар томонидан ер майдонларидан мақсадсиз ва самарасиз фойдаланиш имкониятини яратмоқда.

Бунинг натижасида, фермер хўжалиги раҳбари ер майдонидан самарасиз (*чорва бош сони ерига нисбатан кам*) фойдаланиб келаётган бўлсада, унинг ерга бўлган ижара ҳуқуқини суд тартибида бекор қилишда қонунчиликда бўшлиқ юзага келмоқда.

Юқоридагиларга кўра, Ер кодекси 46¹-моддасининг 2,3-банд-ларидаги суғориладиган ерлардан *камида* 0,3 гектар сўзларини, суғориладиган ерлардан 0,3 гектар (*қатъий миқдорда*) деган сўзларга, лалмикор ерлардан – *камида* 1 гектар сўзларини, лалмикор ерлардан 1 гектар деган сўзларга, яйловлар ва пичанзорлардан – **камида 2 гектар** сўзларини яйловлар ва пичанзорлардан – **икки гектар** деган сўзларига ўзгартириш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 29.01.2022 й., 06/22/60/0082-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон; 10.02.2023 й., 06/23/21/0085-сон; 03.01.2024 й., 06/24/221/0003-сон; 28.12.2024 й., 06/24/227/1089-сон; 01.03.2025 й., 06/25/27/0196-сон; 20.05.2025 й., 06/25/87/0451-сон; 08.08.2025 й., 06/25/126/0704-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси. 2022 йил 20 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/5774>.

3. <https://open.ngis.uz/#/reportstat>.

4. Sug'oriladigan yerlarning meliorativ holati to'g'risida ma'lumot. <https://data.egov.uz/rus/data/61092fc21a64fdd0373a8df>.

5. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси Эълон қилиш санаси: 25.10.2025 йил. https://stat.uz/img/press-relizlar/ishlo-khzhligi-press-reliz-uzb_p95718.pdf

6. Соколова.А.А Правовое обеспечение надлежащего использования земель сельскохозяйственного назначения // Специальность 12.00.06 – «Земельное право; природоресурсное право; экологическое право; аграрное право» Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук Москва – 2016.

7. Алиев.В.А.Проблемы совершенствования прокурорского надзора за исполнением законодательства в системе агропромышленного комплекса России // Специальность 12.00.11 - судебная власть; прокурорский надзор; организация правоохранительной деятельности; адвокатура. АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание ученой степени кандидата юридических наук. Москва-2024.

8. Исламова Э.Р. Особенности осуществления прокурорского надзора за исполнением законодательства, регулирующего принудительное изъятие земельных участков из земель сельскохозяйственного назначения // Matters of Russian and International Law. 2018, Vol. 8, Is. 1B.

9. Бекишева С. Д. Лоббирование интересов частных лиц при формировании эко-логического законодательства Республики Казахстан // Журнал российского права. – 2009. – № 8 (152). С. 110.

10. Закон Республики Казахстан от 17 июля 2009 года № 187-IV «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Казахстан по вопросам оперативно-розыскной деятельности» // www.zakon.kz.

11. Джаксыбаев А. С. Проблемы прокурорского надзора за применением земельного законодательства // Мир закона. Юридический научно-практический журнал. № 1-2 2022 г.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 24.02.2021 йилдаги ПҚ–5006-сон. <https://lex.uz/uz/docs/5306352>

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 14.01.2022 йилдаги 22-сон. <https://lex.uz/uz/docs/5823180>

14. <https://lex.uz/docs/5823180?query>

15. Андижон вилояти прократураси маълумотлари.